



**IV ЖАҒАНДЫҚ ҒЫЛЫМ ЖӘНЕ ИННОВАЦИЯЛАР 2019: ОРТАЛЫҚ АЗИЯ
ХАЛЫҚАРАЛЫҚ-ҒЫЛЫМИ ПРАКТИКАЛЫҚ КОНФЕРЕНЦИЯ**

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ

**IV ГЛОБАЛЬНАЯ НАУКА И ИННОВАЦИИ 2019: ЦЕНТРАЛЬНАЯ АЗИЯ
МЕЖДУНАРОДНАЯ-НАУЧНАЯ ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ**

**IV GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2019: CENTRAL ASIA
INTERNATIONAL-SCIENTIFIC PRACTICAL CONFERENCE**

**21 JANUARY
ASTANA 2019**



МАЗМУНЫ
СОДЕРЖАНИЕ

Буриев А. (Карши, Узбекистан) ТРАДИЦИОННЫЕ БРАЧНЫЕ ЦЕРЕМОНИИ У УЗБЕКОВ КАШКАДАРЬИНСКОГО ОАЗИСА.....	4
Саматова Ф.Н. (Карши, Узбекистан) ИЗ ИСТОРИИ ОТНОШЕНИЙ ЭФТАЛИТОВ С СОСЕДНЫМИ ГОСУДАРСТВАМИ В РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ.....	7
Эшов Б. Ж. (Карши, Узбекистан) ИЗ ИСТОРИИ ДРЕВНИХ УРБАНИЗАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ (НА ПРИМЕРЕ СЕВЕРО-ВОСТОЧНЫХ ТЕРРИТОРИЙ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ).....	10
Кўлдошев Х. (Карши, Узбекистан) ЎЗБЕКИСТОН ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.....	13
Норматов Ш.М. (Карши, Узбекистан) V-VIII АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁДА ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ ВА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	16
Тураев Ш.Р. (Карши, Узбекистан) ПЛАНО КАРПИНИ ВА ВИЛГЕЛЬ РУБРИКНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА САЁҲАТИ.....	20
Хасанов А.М. (Карши, Узбекистан) ПРОЦЕССЫ УРБАНИЗАЦИИ ЮЖНОГО СОГДА РАЗВИТОГО СРЕДНЕВЕКОВЬЯ.....	24
Хидиров И. (Карши, Узбекистан) ЎРТА ОСИЁДА ИЛК ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ ВА ДАСТЛАБКИ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖИДА ҚАДИМГИ ЙЎЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.....	29
Рахманов Ф.Ш. (Карши, Узбекистан) РИТУАЛЫ ЛЮЛЬКИ У УЗБЕКОВ КАШКАДАРЬИНСКОГО ОАЗИСА.....	32
Каргабаева А.С. (Костанай, Казахстан) МОНИТОРИНГ СЕЗОННОЙ И ВОЗРАСТНОЙ ДИНАМИКИ САРКОПТОЗА СВИНЕЙ В УСЛОВИЯХ КОСТАНАЙСКОЙ ОБЛАСТИ.....	35
Шодиев Б.Т. (Карши, Узбекистан) ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ТАРМОГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ.....	39
Аманбекқызы Ж., Шаймырзаева Б.А., Абдикеримова Х.К. (Шымкент, Қазақстан) БАЛА ТӘРБИЕСİNДЕГІ ҰЛТТЫҚ ДҮНИЕТАНЫМНЫҢ ОРНЫ.....	42
Ergasheva Z.A., Nurullayev N.E. THE MAIN PROBLEMS AND SOLUTIONS OF PEDAGOGICS. (DIFFERENCE BETWEEN TRADITION AND MODERN PEDAGOGICS).....	47
Нукушева А.Қ. (Усть-Каменогорск, Казахстан) ОСОБЕННОСТИ МИКРОКЛОНАЛЬНОГО РАЗМНОЖЕНИЯ РЕМОНТАНТНОЙ ЗЕМЛЯНИКИ «ЕЛИЗАВЕТА».....	50
Кривчиков В. М. (Гродно, Беларусь) ОРГАНИЗАЦИЯ РАСКВАРТИРОВАНИЯ И ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПОГРАНИЧНЫХ ВОЙСК НА ТЕРРИТОРИИ БЕЛАРУСИ В ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ 1920-Х ГГ.....	55
Сағындықов У.З., Омарова С.К., Жусупов А.Е. (Астана, Қазақстан) ИССЛЕДОВАНИЕ СОБЛЮДЕНИЯ ПРИНЦИПА «26+6» ДЛЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ АЛФАВИТНОГО СОСТАВА И ДИАКТИЧЕСКИХ ЗНАКОВ В КАЗАХСКОМ ЯЗЫКЕ.....	58
Рахимов А. И., Кадырова Н.А., Аминов М.Х., Каримова М.Д., (Худжанд, Таджикистан) ЛЕДНИКИ - ВАЖНЕЙШИЕ РЕСУРСЫ ПРЕСНЫХ ВОД ТАДЖИКИСТАНА.....	61
Артемяева Л.Д., Неустроева Е.А. (Якутск, Россия) РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ ПОСРЕДСТВОМ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НЕТРАДИЦИОННЫХ ТЕХНИК РИСОВАНИЯ.....	64
Сухоставская Л.Р., Тюлюбаева Д.М. (Алматы, Қазақстан) СИСТЕМА ОЦЕНКИ КАЧЕСТВА КРІ В ЛОГИСТИКЕ.....	67
Қайрат Б. (Усть-Каменогорск, Қазақстан) ОСОБЕННОСТИ ВЕДЕНИЯ В КУЛЬТУРУ IN VITRO КОПЕЧНИКА АЛЬПИЙСКОГО.....	70



**ЎРТА ОСИЁДА ИЛК ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ ВА ДАСТЛАБКИ
УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖИДА ҚАДИМГИ ЙЎЛЛАРНИНГ
АҲАМИЯТИ**

Хидиров И. – Қарши давлат университети 1-курс магистри
Илмий раҳбар – проф. Б.Ж.Эшов
ibroxin.xidirov@bk.ru
(Ўзбекистон)

Мил. авв VI-IV минг йилликлар, яъни, неолит даврида Ўрта Осиёнинг қадимги қабилалари жамияти ва маданиятида жиддий сифатий ўзгаришлар бўлиб ўтганлиги кузатилади. Бу давр илк деҳқончилик жамоалари тараққиётнинг бошланғич даври, қулай табиий шароитларда илк цивилизация асосларининг шаклланиш даври эди. Бу маънода Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбида аниқроғи Жанубий Туркменистонда шаклланган қадимги маданият бугун қадимги Шарқ Мисрдан то Хитой ва Ҳиндистонгача бўлган ҳудудлардаги маданиятлар қонуниятлари изидан боради. Аммо, Ўрта Осиё ҳудудларида бу жараёнлар нисбатан секинроқ кечди.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, илк деҳқончилик жамоаларидаги жамият ривожини тараққиётнинг барча жабҳалари-иқтисодий ҳаёт ва маданиятдан тортиб то интеллектуал жараёнлардаги кўплаб ўзгаришлар бўлганлиги билан изоҳланади. Айнан шунинг учун ҳам жамиятда илк деҳқончилик ва чорвачиликка ўтилиши инсоният тарихида энг муҳим давр ҳисобланади ва айрим олимлар бу даврни “неолит инқилоби” (Г. Чайлд) десалар, айримлари “озик овқат ишлаб чиқариш инқилоби” (Г.Чайлд) деб атайдилар [1].

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўрта Осиёдаги илк деҳқончилик жамоалари учун даврий маданият типларининг қуйидаги учта кўриниши: паҳса (мустаҳкам) турар-жойлар, сопол идишлар ва зооморф ҳайкалтарошлик ҳосдир. Албатта, бу кўринишлар маълум жамоалар орасида ёйилган бўлиб, минтақавий ва маҳаллий хусусиятларга ёки ўзига хосликларга эга эди.

Жанубдаги илк деҳқончилик жамоалари жадал ривожланишининг асосий маркази Копетог тоғ олди текисликларининг шимоли эди. Минглаб йиллар давомида пайдо бўлган жойида мавжуд бўлган деҳқончилик қишлоқлари қазилмаларидаги стратиграфик устунлар аниқ маданият алмашинуви жараёнларини беради. Ундан ташқари илк деҳқончилик мажмуаларининг ўзгармас белгиси бўлган нақшиндор сополлар турли шароитдаги маданий тараққиёт маданий алоқалардан далолат беради. Буларнинг барчаси тадқиқотчиларга Ўрта Осиёнинг жанубидаги илк деҳқончилик жамоалари маданиятларини батафсил даврлаштириш ва археологик тизимлаштириш масалаларини ишлаб чиқиш имкониятини яратди [1]. Шунингдек бу жараёнларда қадимги йўлларнинг ҳам аҳамияти бекиёс эди.

Кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта Осиёнинг жанубидаги илк деҳқончилик даврини мил.авв. V-III минг йиллик бошлари билан белгилаб, 3 даврга – илк, ўрта ва сўнгги энеолитга ажратадилар [3]. Жанубий Туркменистон қадимияти тадқиқотчиларининг хулосаларига кўра, илк энеолит – Анов I А, Намозгоҳ I (Чақмоққиттепа, Мунчоққиттепа, Қарадепа, Дашшижидепа) маданий мажмуалари билан изоҳланади. Хусусиятли томони шундаки, ўзаро алоқалар туфайли бу давр моддий маданиятда маҳаллий анъаналарнинг уйғунлашиб кетиши кузатилади. Шунингдек, бу даврдаги барқарор деҳқончилик-чорвачилик иқтисодиёти доимий турғун турмуш тарзи ва шунга мос шарт-шароитлар яратган эди. Таъкидлаш лозимки, ўша даврдаги янги ҳудудларни ўзлаштирган жамоаларнинг кенг тарқалишидан ташқари аҳоли сонининг ўсиши ҳам нисбатан йирикроқ марказларнинг шаклланишига олиб келади. Мисол учун, Намозгоҳ I Даврида Қарадепа 10 гектарга яқин майдони эгаллаб, йирик марказга айланади.

Ўрта энеолит даври Намозгоҳ II маданий мажмуалари билан изоҳланади (Яланғочдепа, Илгинлидепа, Олгиндепа (пастки қатламлари) ва бошқалар). Бу мажмуалар орасида бу даврда нисбатан йириги Илгинлидепа бўлиб, у 14 гектар майдонни ишғол этган [4]. Тадқиқотчиларнинг



таъкидлашларича, Жанубий Туркменистон тоғ олди текисликларининг ўрта энеолит даври маданияти ворисийлик аъналарини сақлаган ҳолда ички сабабларга кўра ривож топади.

Сўнгги энеолит даври тахминан мил.авв IV миғ йилликнинг охири – III миғ йилликнинг бошлари билан саналанади ва Намозгоҳ III даври маданий мажмуалари билан изоҳланади. Бу давр илк деҳқончилик жамоаларининг гуллаб-яшнаган даври бўлиб, бу ҳолат моддий маданият буюмлари орқали ўз ифодасини топади. Бу давр учун янги бўлган моддий маданият буюмлари- муҳрлар, алебастер қопланган идишлар пайдо бўлади.

Шундай қилиб, археологик даврлаштиришга кўра, Ўрта Осиёнинг жанубидаги энеолит даври-иктисодий ва маданий салоҳиятнинг аста-секинлик билан ўсиб бориши, мафкуравий қарашларнинг такомиллашиб бориши билан изоҳланадики, юқорида таъкидлаганимиздек, бу ҳолат моддий маданият буюмлари ва ўзаро алоқаларда муҳрланиб қолган [6].

Бу даврда йирик аҳоли пунктлари шаклланиб, демографик белгиларига кўра улар кейинчалик урбанистик хусусиятга эга бўла бошлади. Маданий алоқалар ёки қадимги йўлларнинг барқарор йўналишлари, аввало, жанубий қўшнилари Эрон, Афғонистон ва Шимолий-ғарбий Ҳиндистон билан тўғридан-тўғри алоқалар орқали шаклланади. Буларнинг барчаси бронза даврига келиб, нисбатан мураккаброқ ижтимоий-маданий тизим ҳамда урбанистик марказларнинг шаклланиши учун асос бўлди ва бу даврда кейинги ривожланиш боскичларини босиб ўтди. Бронза давридагибу жараёнлар Копетдоғнинг шимолидаги тоғ олди текисликларининг нисбатан катта бўлмаган ҳудудлари билан чегараланиб қолмасдан, асосан маданиятлар алмашинуви натижасида қадимги Марғиёнадаги Мурғоб ҳавзасида, Амударёнинг ўрта оқимидаги қадимги Бактрияда урбанизациялашган маданиятнинг маҳаллий ўчоқлари шакллана бошлади. Бу ўринда энеолит ва бронза даврига мансуб турли маданиятларнинг ўзароалоқаларини таъминлашга хизмат қилган минтақавий йўлларнинг ахамиятини алоҳида таъкидлаш лозимдир.

Тадқиқотлар таҳлилидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Фарғона водийсидан то Жанубий Туркменистонгача (жанубий-шарқий ва жанубий-ғарбий Ўрта Осиё) ораликларидagi ҳудудлардан жуда кўп сонли сўнгги энеолит ва бронза даврига оид ёдгорликлар топиб ўрганилган. Тарихий- маданий ривожланиш боскичларига қараб бу ёдгорликлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Ўтроқ деҳқончилик маданияти ёдгорликлари (Жанубий Туркменистон, Жанубий Ўзбекистон, Зарафшон ва Фарғона водийлари).

2. Бронза даври чорвачилик – деҳқончилик маданияти ёдгорликлари (Замонбобо)

3. Бронза даври дашт маданиятлари (Тозабоғёб, Мўминобод, Оқганта, Қайроққум, Тулхар, Бешкент). Ушбу маданиятлар ўртасида доимий узвий алоқалар мавжуд эдики, бу ҳолат тадқиқотлар натижасида илмий асосланган [6].

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Жанубий Туркменистондаги илк ва ривожланган бронза даври ёдгорликларини икки турга бўлиш мумкин: майдони 10 ва ундан ортик гектар бўлган “марказ” масканлари ва майдони 1-0.5 гектар бўлган “қишлоқ” масканлари. Биринчи гуруҳдаги ёдгорликлар орасида ўлчамлари бўйича ҳам Олтиндепа ва Намозгоҳдепалар “пойтахт” шаҳарлар сифатида ажралиб туради. Шунингдек, Туркменистон ҳудудидаги Улуттепа, Қарадепа ва Хауздепаларни ҳам йирик масканлар сафига киритиш мумкин.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, ушбу масканлар хўжалигининг асосини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этган. Йирик шаҳар марказлари ҳамда кичик қишлоқларда олиб борилган қазилма ишларининг гувоҳлик беришича, улар ўртасида доимий маданий ва иқтисодий алоқалар мавжуд бўлиб, йирик марказларда хунармандчилик етакчи ўринда бўлган. Деҳқончиликда арпа ва бугдой етиштириш асосий ўринда бўлиб, ушбу хўжалик тури сунъий суғоришга асосланган [7].

Турли йилларда жанубий Ўзбекистон ҳудудларида илк, ривожланган ва сўнгги бронза даври илк деҳқончилигининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, урбанизация жараёнлари ҳамда илк давлатчилик масалалари, маданий ва иқтисодий алоқалар, хунармандчиликнинг тараққий этиши



масалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида бронза даври ўлкамизнинг жанубий ҳудудларида бўлиб ўтган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёт масалалари, қадимги йўллар ва айниқса ушбу ҳудудларда илк шаҳарларнинг пайдо бўлиш асослари, ва ривожланиш босқичлари, илк давлатчиликнинг пайдо бўлиш жараёнларига кўплаб аниқликлар киритилди.

Жанубий Ўзбекистондаги илк деҳқончилик маданияти соҳиблари яшаган масканлардан бири Сополлитепа бўлиб, бу ёдгорлик Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани ҳудудида, Қўхитантоғдан оқиб тушувчи кичик дарёнинг қадимги irmoғи бўйида жойлашган.

Сополлитепада узоқ йиллар тадқиқотлар олиб борган А.Асқаровнинг фикрича, ёдгорлик мустаҳкам асосда қад кўтарган бўлиб, қуйидаги ажралиб турувчи белгиларга белгиларга: икки қисмли тизимнинг – мустаҳкам марказий қисми ва унинг атрофида мустаҳкамланмаган маскан, унча катта бўлмаган майдон, асосий қисмнинг марказлашуви ва уларнинг йўлақлар билан ажралиб туриши, бўлма (отсек)лари бўлган химоя деворлари. Ундан ташқари, кулолчилик ва металлга ишлов бериш ҳам Сополлитепа учун хосдир[8].

Шундай қилиб Амударёнинг ўнг қирғоғида шаклланган Сополлитепа бронза давридаги дастлабки ўтроқ деҳқончилик қишлоғи ҳисобланади. Аммо, кейинчалик ўтроқ деҳқончилик жамоалари шимолий чегараларини кенгайтиши муносабати билан Сополлитепа ўзининг илгариги аҳамиятини йўқота бошлайди ва бўшаб қолади. Асосий марказ вазифаси эса, тоғ дарасидан чиқувчи йўл устидаги мустаҳкам қалъа сифатида найдо бўлган Жарқўтонга ўтади. Шеробод дарёсининг кўҳна ўзани Бўстонсой ёқасида жойлашган ушбу ёдгорликда 1973 йилдан бошлаб узлуксиз олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида бу ҳудудларда рўй берган урбанизация жараёнларига кўплаб аниқликлар киритиш имконияти пайдо бўлди [9].

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлилларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, мил.ав. II минг йилликнинг ўрталарига келиб Жарқўтон ўша ҳудуддаги деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли қабилалари уюшмаларининг мустаҳкам истехкомига айланди. Афғидан айнан мана шу истехком орқали Ҳисор тоғ олди воҳалари ва Жанубий Тожикистоннинг ғарбий ҳудудларига шимолдаги аҳолининг кўчишлари бўлиб ўчади. Ундан ташқари яна шу нарса ҳам маълумки, бу жараённинг ривожланиши мил.ав. II минг йилликнинг иккинчи ярми Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ўтроқ деҳқончилик турмуш тарзи кечирувчи аҳоли манзилгоҳларида аҳоли сонининг ўсиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти учун ҳам кенг имкониятлар яратди.

Юқоридагилардан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, қадимги цивилизациялар, хусусан, урбанизация жараёнларининг ривож топиши Ўрта Осиё қадимги жамоаларида кечган кўплаб ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий омиллар билан бевосита боғлиқ эди. Бу омилларнинг етакчи ўринга чиқишига қадимги алоқа ва савдо – транзит йўлларининг аҳамияти бекиёс бўлган. Қадимги йўллар орқали алоқалар ўрнатган аҳоли ўша давр нуқтаи назаридан кўзланган манзилига етиб боргани шубҳали бўлсада, йўллар орқали алоқалар қабиладан - қабилага, воҳадан воҳага, минтақадан минтақага ўтиб, минглаб километрга чўзилганлиги замонавий тадқиқотлар орқали аниқланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Массон В.М. Культурогенез древней Центральной Азии СПб. Из-во С- Петербург, ун-та. 2006. с. 42
2. Хлопин И.Н. Эпоха бронзы Юго-Западного Туркменистана СПб. 2002. с. 26-27.
3. Кирчо Л.Б. К изучению позднего энеолита Южного Туркменистана 1999. с. 74-77.
4. Массон В.М. Илгындепе – новый центр этнологической культуры Туркменистана // 5. Известия АН Туркменской ССР. Сер.общ. наук.1989. №6; Березкин Ю.З., Соловёва Н.Ф. парадные помещения Илгындепе (предварительная типология) // АВ. СП, 1998. №5.
5. Эшов Б.Ж. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалалари // ЎзМУ хабарлари. 2012, 4-сон. Б. 51-59.



6. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши. Докт. Дисс. Кўлэзма. – Тошкент, 2008. 136-183 бб.
7. Массон В.М. Древнейшая земледельческая культура Средней Азии// Изв АН Туркменской ССР. Сер. Общ.наук. 1960. №1. С. 76-92.
8. Аскарлов А.А., Шайдулаев Ш.Б. Бактриянинг илк темир даври маданиятлари хронологияси // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда – Т.: ЎзР ФА Археология институти. 2002. 37-б.
9. Аскарлов древнеземледельческая культура...; Аскарлов А., Абуллаев Б. Джаркутан – Ташкент.: Фан. Дисс. Канд ист. Наук. – Самарканд 1987, 24 с.

УДК 9+340.141

РИТУАЛЫ ЛЮЛЬКИ У УЗБЕКОВ КАШКАДАРЬИНСКОГО ОАЗИСА

Рахманов Фахриддин Шаймардонович, кандидат исторических наук,
доцент Каршинского государственного университета,
Карши, Узбекистан.

Когда родители отдают своих дочерей замуж или женат сыновей, от души желают, чтобы молодые жили счастливо, были многодетными. Чтобы, новобрачные жили в согласии и гармонии, постепенно их готовили к этому процессу [1:373].

По старой традиции, основные расходы «бешик туй» несут молодожены и их родители. В основном, ребёнок воспитывают в люльке до двух, трех лет. Из древности на Востоке люльку для воспитания детей использовали узбеки, таджики, казахи, киргизы, туркмены, каракалпаки, уйгуры, иранцы, индусы, афганцы, азербайджанцы и другие народы. У этих народов привязывание к люльке ребёнка всегда проводилась пышным праздником [1:140].

Наши предки не оставляли люльку пустым - считали это большим грехом. У узбеков мать для своей дочери, которая родила первенца, украшает люльку. Покупают новую люльку и накрывают покрывалом, матрасами для груди и ног, подушечками, широкими рентами, горшочек. Покупать все эти принадлежности вызывает у бабушек огромное радостное чувство.

В день «бешик туй» люльку несут дядя ребёнка. По обычаю, его сестра дарит ему тубетейку и чапан. Все участники торжества произносят слова о том, что «пусть все эти дари и люлька, служили долгое время». Люлька как богатство, считается знаком мира в каждой узбекской семье [2].

Проведение «бешик туй» также связано с экономическим состоянием семьи. Если у отца ребёнка после нескольких дочерей родился сын, то если он состоятельный человек, устраивает большой праздник, накрывает стол, режет барана. Если в семье часто умерили дети, старую люльку отвезли на кладбище или отдавали цыганам.

Во время проведения обычая, люльку поворачивали в сторону Мекки, то есть в сторону запада. Перед перевязки ребёнку к люльке под подушкой вложили хлеб, лук, ножик, камень. Во время «бешик туйи» вызывают муллу (священника), который на ухо младенца читал молитву (азон), а бабушки и тётки объявили его имя. Мулле давали тун (халат) или равноценный этому кусок материала, две лепёшки и деньги. Над люлькой расстилали скатерть- дастархан, чтобы младенец был великим и хлебосольным, посыпали белыми сладостями - парвардой и монетами. Чтобы ребёнок не боялся, когда мать и отец называли его имя, поджигали кусочек белой ваты и исполняли обряд «куркок-куркок» - «небойся-небойся».